Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 182 (4898).

14 СЕНТЯБРЬ

ЖУМА

1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЛЎППИ ЧАНОҚЛАР

Бекобод районидаги Ойбек номли совхозининг Нурмурод Нуралиев бошлиқ бригада аъзолари 98 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда пахтазор соҳибкорларининг бутун фикр-зикри ҳар гектар ердан 40 центнерлик хирмон кўтаришга қаратилган.

Бригада далалари тўлиқ дефолиация қилинди. Карта четларида машина қайтадиган, бункердаги пахтани прицеп аравларга ағдариб бериладиган майдончалар тахт қилиб қўйилди.

Бу бригада ўтган йили ҳам пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, совхозда биринчи бўлиб маррани эгаллаган эди. 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиниб, давлатга топширилган эди. Бу йил эса бригада миришкорлари эрта кўкламдан дала ишларини пухта ташкил қилиб 13 гектар ерни ўзлаштирдилар ва пахтазорга айлантирдилар. Бу янги ўзлаштирилган ерларда ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Бригаданинг механизаторлари Мирза Мирзаев ва Б. Азизовлар ўз агрегатларини яна бир марта кўздан кечириб, созлаб қўйдилар. Бригаданинг Р. Ҳазратова, М. Тўраева, М. Авазова каби чевар теримчилари дастлабки кунлардаёқ кунига 80—100 килограммдан пахта термоқдалар.

Совхоз тўртинчи бўлимининг Холбўта Ваҳобов бошлиқ бригадаси ҳам пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик билан киришди.

50 ЦЕНТНЕРЧИ ЗВЕНО

Тонг. Пахтаси қўлда теришга мўлжалланган майдонларда ҳали ғўза барги кўм-кўк бўлсада, пастки шохларда пахталар лўппи очилган. Ўрозгул Эшонқулова, Анифа Саидқосимова, Ойниса Эгамбердиева ва бошқа чевар теримчилар этакларини боғлаб, пайкалга киришди. Лўппи чаноқлардаги оппоқ пахталар этакларга тўлди.

Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма» колхозининг Йўлдош Баратов бошлиқ комсомолёшлар звеноси бу йил 55 гектар ерга «Тошкент—3» навли вилтга чидамли чигит экиб, мул ҳосил етиштирдилар. Звено аъзолари эрта кўкламдан дала ишларини пухта ташкил қилиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳду-паймон қилдилар. Мана ҳозир далаларда ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилди. Звенода терим бошлаб юборилди.

Машинада теришга ажратилган майдонларда дефолиация сифатли ўтказилиб, барча тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Звено бошлиғи Йўлдош Баратов ўз машинаси билан 150 тонна пахта теришни мўлжаллаяпти.

Д. ЖУМАНОВ.



БАРАКАЛЛА, ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР!





Мардлар майдони — пахтазорда қайноқ меҳнат кун сайин жўшқин тус олмоқда. Чиноз районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхозининг (чапдан) Тўлғон Ғанибоева, Ойдан Избосарова, Дариха Букенбоева ва бошқа пахтазор юлдузлари ҳар куни 130—140 килограммдан пахта теришяпти. Минаввара опа Тоғаева (ўнгда) ёши улғайган бўлса ҳам лўппи очилган пахталарни кўриб, ғайрати жўш уриб қизлар билан бирга теримга тушиб кетди. У ҳар куни 120 килограммга етказиб пахта теряпти. Ҳимматингизга балли, чевар опа-сингиллар!

А. Абаляк фотолари.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

«Ленин йўли» колхози чорвадорлари социалистик мусобақани авж олдириб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар давлатга тухум, жун сотиш планини ҳам бажардилар. Шунингдек давлатга сут, гўшт сотиш планини ҳам бажариш арафасида турибдилар.

Сут согувчилар ҳар бош сигирдан 2800 литрдан сут согиб олиш мажбуриятини олишган. Миришкор ферма ходимлари ваъдаларини тўла адо этиш учун барча имкониятларини сарфлаб ишлашяпти. Дик Машаннинг шу кунгача ҳар бош сигирдан согиб олган сути 1850 литрга етди, Умида Бобожонова, Хадия Гематуллиналарники эса 1800 литрдан ошди.

Бузоқ олиш плани ҳам бажарилди. Ҳозиргача олинган 160 бош бузоқ соғлом ўстириляпти.

Чорвадорлар қишлов учун мустаҳкам озуқа базаси яратишга катта эътибор беришяпти. Шу кунгача 840 тонна сенаж, 2912 тонна силос бостирилди, 802 тонна дағал хашак жамғариб қўйилди. Озуқа тайёрлаш қизғин давом этяпти.

Бундан ташқари, етарли миқдорда арпа, концентрат озуқа, маккажўхори дони ғамлаб қўйилган.

Молхоналар сифатли ремонтдан чиқарилиб қўйилди.

Т. ИЎЛДОШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

400 МИНГ ТОННА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 13 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Ҳалқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

	Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.	
Чиноз	0,58	2,99
Янгийўл	0,51	2,36
Пискент	0,36	2,25
Бекобод	0,41	2,00
Бўка	0,29	1,16
Ўрта Чирчиқ	0,32	0,96
Юқори Чирчиқ	0,13	0,33
Оққўрғон	0,19	0,19
Область бўйича	0,33	1,33

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 13 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

	Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери (такрорий дефолиация билан бирга)	
Оққўрғон	28,4	128,1
Бекобод	8,5	122,2
Пискент	11,9	105,8
Юқори Чирчиқ	11,6	101,7
Бўка	11,9	101,6
Ўрта Чирчиқ	12,4	86,8
Чиноз	9,4	69,8
Янгийўл	8,8	68,8
Область бўйича	14,1	102,2

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ УРИШ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 13 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

	Биринчи стун — ўрилган майдон (процент ҳисобида), иккинчи стун — дон тайёрлаш (процент ҳисобида).	
Бўка	58,0	39,0
Оққўрғон	53,6	71,0
Чиноз	53,0	76,5
Бекобод	52,0	62,4
Бўстонлиқ	50,6	14,0
Янгийўл	49,1	44,6
Пискент	47,6	87,6
Калинин	44,0	71,7
Ўрта Чирчиқ	39,4	87,3
Юқори Чирчиқ	35,0	62,3
Оҳангарон	21,2	17,8
Орджоникидзе	13,4	—
Область бўйича	43,6	52,6

Чилидаги ҳарбий тўнтариш хусусида КПСС Марказий Комитетининг баёноти

11 сентябрда Чилининг реакцион кучлари Сальвадор Альенде бошчилигидаги қонуний ҳукуматни ағдариб, мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Сальвадор Альенде халқнинг эркин хоҳиш билдириши натижасида конституция асосида республика президенти қилиб сайланганди. Миллий Конгресс тарқатиб юборилди, Халқ бирлиги ҳукуматининг министрлари қамоққа олинди. Чили халқининг иши учун, демократия ва тинчлик учун мард курашчи, Латин Америкасида империализмга қарши озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби президент Сальвадор Альенде исёнчилар зўравонлигининг қурбони бўлди.

С. Альенде ҳукуматининг ағдарилиши Чили реакцияси кўп йиллардан буён олиб бораётган ҳужумининг натижасидир. Чили халқи, меҳнаткаш халқ ва мамлакатнинг мустақил ривожланиш манфаатларини кўзловчи тўб социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилишига тўсқинлик қилиб келди, иқтисодий ҳаётни издан чиқариб келди, террорчилик ҳаракатлари қилди. Халқнинг хоҳишини сўрбетларча поймол этган, энг оддий демократик нормаларни ҳам топтаган реакция ҳозир прогрессив арбоблардан ўч олмоқда. Халқ бирлиги коалициясидаги партиялар, меҳнаткашларнинг бошқа прогрессив ташкилотларининг аъзолари қамоққа олинаётганликлари тўғрисида ва Чили бирлашган касаба союз марказига нисбатан жазо чоралари кўрилаётганлиги ҳақида хабарлар келмоқда.

КПСС Марказий Комитети Чилидаги реакцион кучларнинг ҳатти-ҳаракатларини, улар демократик тартиботлар ва конституция нормаларини поймол этаётганликларини, прогрессив партиялар ва ташкилотларга қарши жазо чораларини кўриш мудҳиш режаларини қатъий қоралайди.

КПСС Марказий Комитети Чили халқи учун мушкул бўлган шу оғир дамларда совет коммунистлари, барча совет кишиларининг хис-туйғуларини ифодалаб, реакциянинг зарбаларига қарамай, мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун кураш ишига — Сальвадор Альенде, Халқ бирлиги ҳукумати Чили меҳнаткаш халқи мардонавор кураш олиб борган олижаноб мақсадлар учун кураш ишига содиқ бўлиб қолаётган қардош Чили Коммунистик партияси билан, социалистик партия билан, Халқ бирлигидаги бошқа партиялар билан Чилининг барча меҳнаткашлари билан ўзининг тўла бирдамлигини билдиради.

КПСС Марказий Комитети халқнинг хоҳиш-иродасини ҳеч қандай репрессиялар, ҳеч қандай террор бука олмайди, иқтисодий ва социал тараққиёт йўлига ғов сололмайди, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚЛАРИ ВА МАҚОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ

Снёсий адабиёт нашриёти «КПСС ва Совет Давлатининг ташқи снёсати тўғрисида» деган ном билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолаларининг тўпламини нашр этди. Бу тўплам Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташқи снёсатига бағишланган бўлиб, 1964—1973 йиллардаги даврни ўз ичига олади.

Китобда КПСС ленинча ташқи снёсат йўлининг асосий қоидалари чуқур анализ қилинган ва ижодий ривожлантирилган. Китобда Коммунистик партия ташқи снёсат йўлининг энг муҳим йўналишлари — жаҳон социализми позицияларини мустаҳкамлаш учун кураш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳар томонлама қардошларча алоқаларнинг ривожлантирилиши таъриф лаб берилган. Уларнинг халқаро миқёсда ижобий ўзгаришлар юз беришида муҳим роль ўйнаётган ва ўзаро келишилган ташқи снёсий ҳаракатлари катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолалари тўплами партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукумати халқаро фаолиятининг энг муҳим масалаларини чуқур ўрганиб олишда коммунистларга ва барча меҳнаткашларга ёрдам беради. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитети Снёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 13 сентябрда Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Квон Хи Генни қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди. Квон Хи Ген КХДР ташкил топган кунининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашиш учун Тошкентга келган эди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов шу куни Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Квон Хи Генни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЧИЛИДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 13 сентябрь. (ТАСС). Информация агентликларининг хабарига қараганда, Чили меҳнаткашлари ҳарбий тўнтариш қилган исёнчиларга қурол билан қаршилик кўрсатмоқдалар. Бир қанча саноат корхоналарининг ишчилари хунтани қўллаб-қувватлаётган солдатлар билан жанг қилмоқдалар. Исёнчилар уларга қарши артиллерия ва танклардан фойдаланмоқдалар. Исёнчилар назорат қилиб турган радиостанциянинг хабар беришича, Сантьяго марказида хунтанинг қуролли кучларига қаршилик кўрсатилмоқда. ЮПИ мухбири пойтахт атрофидаги саноат районларининг бирида «ишчилар билан солдатлар ўртасида чинакам жанг кетмоқда». Ўлганлар ва яралорлар бор.

Хунта қуролли қаршилик кучайганлиги муносабати билан ишчиларга ультиматум қўйди. Хунта чоршанба куни Гринвич вақти билан соат 19 гача (Москва вақти билан соат 22 гача) Сантьяго атрофида курашни тўхтатишни талаб қилди.

ЧИЛИ ХАЛҚИ БИЛАН ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК

Меҳнаткашлар, жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар Халқ бирлиги қонуний ҳукуматига қарши ҳарбий исён қилган реакциянинг ҳаракатларидан дарғазаб бўлиб, Чили халқи билан қардошларча бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар.

БЕРЛИН, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Чилидаги реакцион кучлар Чили халқининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини чет эл империалистларининг ёрдами билан қон дарёсига ғарқ қилишни, Чили халқини ўзи эришган социал ғалабаларидан маҳрум этишни истайдилар. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Германия Демократик Республикасининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари Чили халқи томонида эканини ва бу халқ билан интернационал бирдам эканлигини яна бир марта таъкидлайдилар. Баёнотда Чили халқи бундан буён қандай жангларга дуч келмасин, унинг озодлик, мустақиллик ва тараққиёт йўлидаги кураши пировард натижада муқаррар ғалаба қилади, деб ишонч билдирилади.

ПАРИЖ. Коммунистик ва социалистик партиялар, сўл радикаллар ҳаракати партияси, касаба союз бирлашмалари Париж меҳнаткашларини Чили Халқи билан бирдамлик, Халқ бирлиги ҳукуматини ҳимоя қилиш учун ва ҳарбий исёнчиларнинг ҳаракатларига қарши оммавий намойиш ўтказишга даъват этдилар.

Франция Коммунистик партияси Сиёсий Бюросининг баёнотида бундай дейилади: «Чили реакцияси қонунга мувофиқ сайланган ҳукуматга қарши курашда ҳар қандай воситалардан—саботаж, террор ва ўлдириш воситаларидан уч йил мобайнида фойдаланиб келди. Эндиликда реакция кучлари янги йўл тутдилар: ҳарбий исён демократик тартибларни, меҳнаткашларнинг социал ғалабаларини бартараф қилишни, мамлакатнинг социализм сари ҳаракатга ўалақит беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди». Компартия Франция коммунистларини, меҳнаткашларни, барча демократлар ва реакцион исённи қоралашга, Чили халқининг демократияни сақлаб қолиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

(Давоми 3-бетда)

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЧИЛИ ХАЛҚИ ИСТИҚБОЛИГА ИШОНАМИЗ

Совет кишилари Чилида рўй берган воқеаларни эшитиб, ғоят ташвишландилар. Чилида президент Сальвадор Альенде бошчилигидаги Халқ бирлиги қонуний ҳукуматига қарши, Чили халқининг демократик ғалабаларига қарши ҳарбий тўнтариш бўлди. СССР шаҳар ва қишлоқларида ишчилар, колхозчилар, фан ва маданият арбоблари шу кунларда Чили меҳнаткашлари билан бирдам эканликларини яна изҳор қилмоқдалар.

Латин Америкаси мамлакатлари билан дўстлик ва маданий ҳамкорлик совет уюшмасининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси ҳузуридаги Латин Америкаси институтининг директори профессор В. В. Вольский қуйидагиларни айтди:

— Кейинги воқеалар Чили халқига шубҳасиз, зарар етказади. Реакцион кучлар Чилини яна ижтимоий қарамлик даврига қайтариш билан таҳдид қилмоқдалар.

Халқ бирлиги ҳукумати мамлакатнинг социал ва иқтисодий тараққиётини кўзлаб кенг программани белгилаган эди. Ҳукуматга қарши бўлган унсурлар бу программани амалга ошириш ишига шубҳасиз, тўсқинлик қилдилар ва қасддан қийинчиликлар туғдирдилар. Бу қийинчиликлар ҳозирги тангликка олиб келди. Совет кишилари Чили халқини яхши билиб олдилар. Биз Чили халқининг кучига ва истиқболига ишонамиз.

Озарбайжон халқ шоири Сулаймон Рустам совет кишиларининг Чили халқи билан бирдамлигини уқтириб ўтади. Биз, деди у, олис Латин Америкасидаги мамлакат бўлмиш Чили халқи миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, кескин социал ислоҳотларни мустаҳкамлаш йўлидан борганлигини самимий ҳайриҳоҳлик билан кузатиб турдик. Альенде ҳукумати меҳнаткашларнинг манфаатини сабот-матонат билан ҳимоя қилди. Биз бутун фикр-туйғуларимиз билан Чилидаги тараққийпарвар кучларни қўллаб-қувватлаймиз. Биз реакцион ҳарбийлар томонидан қилинган жиноятларга қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирамиз.

(ТАСС).

ЗЎР МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН

ПРАГА, 12 сентябрь. (ТАСС). Прагада «Совет ойнаси ва чизмаси» виставкаси очилди. Биринчи куниёқ виставкани кўплаб томошабинлар келиб кўришди.

ЧССР пойтахтида очилган виставка экспозициясининг зўр муваффақият қозоиаётганлиги тасодифий эмас. Виставка очилишидан олдин ҳам прагаликларда у зўр қизиқиш туғдирган эди. Бу йил Нисадаги Яблонцева ташкил этилган халқаро ойна виставкасида биллур ва мармардан ясалган 300 та экспонат намойиш қилинган эди. Бу ерда ана шу экспонатлар асосий мукофотлардан бирига ва уч медалдан бирига сазовар бўлган эди.

ЯНГИ БИЛЕТНИ ОЛГАНДАН СЎНГ

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили зафарларга бой бўлаяпти. Областимиз меҳнаткашлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилиб, ой сайин кўзланган марраларни муваффақиятли эгаллаб қўлга киритилаётган ютуқларни кўпайтирмоқдалар. Айниқса Ангрен шаҳри саноатчилари, кончилари ва қурувчилари эришаётган ютуқлар кишини қувонтирмоқда.

Шаҳар меҳнаткашлари саноат маҳсулоти реализация қилиш ярим йиллик планини 104,9 процент адо этдилар. Планга қўшимча равишда сал кам 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот реализация қилиш ҳажми 17,6 процент, ялпи маҳсулот ҳажми эса 17 процент ошди. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқ ҳам 1,3 процент ортиғи билан адо этилди.

Шаҳарда капитал маблағларни ўзлаштириш вазифаси ҳам муваффақиятли адо этиб келинмоқда. Ярим йил мобайнида пландан ташқари 1158,9 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу боисдан ҳам планга қўшимча равишда 1047,1 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Қўлга киритилаётган муваффақиятлар эвазига иккинчи квартал иш якунлари бўйича Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область комитетининг Кўчма Қизил байроғи Ангрен шаҳрига берилди. Бу мукофот шаҳар меҳнаткашларини янада янги зафарлар сари ундамоқда.

Маълумки, ютуқлар ўз-ўзидан қўлга кирмайди. Давлат планини бажариш, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархини арзонлаштириш учун оммани уюштира билиш, барчанинг эътиборини зиммага олинган вазифаларни бажаришга қарата олиш, талайгина ташкилий техникавий, оммавий-сиёсий ишларни бажариш лозим бўлади. Кейинги пайтда бошланғич партия ташкилотлари ўз иш форма ва услубларини такомиллаштириб, омма ташаббускорлигини оширишда ва коммунистлар авангардлигини ўстириш йўлида кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва ҳужжатларни алмаштириш даврида партия ташкилотлари олиб бораётган ташкилий-тадбирий ва оммавий-сиёсий ишлар кўлами яна ҳам кенгайди.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида коммунистлар активлиги яна ҳам ошди. Кўпгина коммунистлар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига қўшимча мажбуриятлар ола бошладилар. Ангрен кўмир разрези экскаватор машинистлари А. Волков, Д. Лазарев ва К. Абдусаломов ўртоқлар Ленин сиймоси туширилган партия билетини ола туриб, ўз зиммаларига юкланаётган масъулиятни алоҳида ҳис этдилар. Улар ўз ҳамкасбларини экскаватор, бульдозер бурғи станокларидан унумли фойдаланиш, бригада аъзоларига қўшимча касб ўргатишга чақирдилар. Беш йиллик топшириғини эса 4,5 йилда бажаришга сўз бердилар.

Коммунист — машинистлар бошлаб берган ташаббус тезда бошқа корхоналар бўйлаб ҳам кенг ёйилди. Биргина 9-шахтадан 32 коммунист ўз зиммасига оширилган шахсий мажбурият олганлигини маълум қилди. А. Маматов, У. Умаров, Н. Файзуллин ва А. Уваров каби кончилар эса беш йилликни тўрт йилда бажаришга аҳд қилдилар.

Қурилиш ташкилотларининг коммунистлари ҳам ҳал қилувчи йил топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан бошланган мусобақада олдинги ўринларда келмоқдалар. «Ўзбекшахтострой» трести 1-кўчма механизациялашган колоннасининг коммунист А. Зобровец бошлиқ комплекс бригада аъзолари шу кунларда 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. 6-қурилиш бошқармасидан коммунистлар Зазулин ва Рўзибоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар шу йилнинг октябрь ойи ҳисобига ишламоқдалар. 95-кўчма механизациялашган колоннадан С. Раҳмонов бошлиқ бригада аъзолари эса ўз беш йиллик планларини Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллигигача бажариш учун курашмоқдалар.

Бу йил шаҳар бўйича социалистик мусобақада қатнашаётганлар сони олдинги йилга нисбатан 22 процент кўпайган. Мусобақада қатнашаётган коммунистларнинг аксарияти ўз зиммасига шахсий мажбуриятлар олган. Шуниси қувончлики, корхона ва ташкилотларда коммунистик меҳнат ҳаракати ҳам тобора авж олмоқда. Шу кеча кундузда шаҳар саноат корхоналарида 3400 коммунистик меҳнат зарбдори ғайрат кўрсатяпти. 6472 киши эса коммунистик меҳнат ҳаракатига кўшилган. Ишлаб турган 133 та коммунистик меҳнат мактабининг 3364 тингловчиси бор. Тингловчилар машғулотларда илғор тажрибаларни ўрганиб, маълум бўлаётган резервларни тўлароқ ишга солмоқдалар.

Шаҳар партия ташкилоти жойларда социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини доимо кузатиб туриби. Ҳозирги кунда шаҳар саноати корхоналарида Девятова ташаббусига қўшилганлар сони 1100 кишидан ошиб кетди. Беш йиллик маррасига яқинлашаётган ишчилар сони ҳам тобора кўпаймоқда. 125 киши 1975 йил, 597 киши эса 1974 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Илғорларнинг кўпчилиги коммунистлардир. Айниқса янги партия билетини олган коммунистлар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Партия ҳужжатларини алмаштириш борини ҳақидаги масала ҳам шаҳар партия ташкилоти диққат-марказида турибди. Шаҳар партия комитетининг бюро йиғилишларида 9-шахта, «Средазуголь» комбинати, «Ўзбекзолото» комбинатининг Кўчбулоқ кони партия ташкилотлари бу масалада бажарилаётган ишлар ҳақида ҳисоб бердилар. Улар ҳисоботи юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш ва уни изчиллик билан ўтказиш давомида коммунистлар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Партия ташкилотлари партия сафларини ўстириш, ёш коммунистларни тарбиялаш, коллектив ташаббускорлигини ошириш йўлида кўпгина фойдали ишларни қилмоқдалар. Кейинги пайтда партия йиғилишлари кун тартибига ҳаммани қизиқтирган масалалар қўйиладиган бўлди. Масалаларни муҳокама қилишда коммунистлар актив иштирок этмоқдалар.

Коммунистлар ўз зиммаларига юкланаётган партия топшириқларини бажаришга ҳам масъулият билан қарамоқдалар. Ҳозирги пайтда шаҳар коммунистларининг 88 проценти доимий партиявий топшириққа эгадир. Фақатгина оммавий-сиёсий ишларга 2800 га яқин коммунист жалб этилган.

Партия ҳужжатларини алмаштириб бўлган ташкилотлар бажарилган ишларга якун ясаб, коммунистлар эътиборини янги-янги муҳим вазифаларга қаратмоқдалар. Бўлиб ўтаётган партия йиғилишларида коммунистлар ҳисоботи алоҳида тингланмоқда. Ҳисобот давомида улар ўз зиммаларидаги вазифаларни қандай бажараётганликлари ҳақида ҳамкасбларига сўзлаб бермоқдалар. Йиғилишларда билдирилаётган истак ва таклифларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланмоқда.

И. СРИБНИЙ,
область партия комитетининг инструктори.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЎЗБЕКИСТОН ўта чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинатида ўзаро социалистик мусобақа намуналли йўлга қўйилган. Бунда 8-цехнинг В. Белинский бошлиқ бригада меҳнатсеварлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар «Зарбдор йилда зарбдорчасига меҳнат қиламиз» шиори остида ишлаб, ойлик, квартал планларини доимо ортиғи билан адо этмоқдалар. Суратда: илғор бригада аъзоларидан (чапдан ўнгга) В. Торгашин, А. Лопатин, В. Белинский (бригада бошлиғи), Б. Қўрғонбоев, Ю. Миничев, В. Мордвинов ва Н. Меркуловларни кўриб турибсиз.

В. Тюргашкин фотоси.



ЯНГИ КЛУБ

Пойтахтимизнинг Волгоград ва Ғафур Ғулом кўчалари муюлишида яна битта муҳташам бино қад кўтарди. Бу икки қаватли клубдир. Уни «Главташкентстрой»нинг 6-трести 3-қурилиш бошқармаси бинокорлари тез суръатлар билан қўлдан чиқаришди.

Ўзбекистон кўрлар жамиятига қарашли ишлаб чиқариш комбинатининг территориясида очилган мазкур маданият маркази яқин кунлар ичида ёшларнинг яхши ҳордиқ чиқарадиган жойидан бирига айланади. Бунинг учун турли тўгараклар ташкил қилинмоқда. Кутубхона мудири Моҳира Маҳамадова бадиий ҳаваскорлик коллективларининг репертуарини замонавий мавзудаги нотали адабиётлар билан бойитиш мақсадида Тошкент кутубхона коллекторидан зарур адабиётларни олабошлади.

ИНТИЗОМЛИ БЎЛАЙЛИК

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Оҳангарон цемент комбинати ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг каттагина қисмини куйдириш цехи коллективи тайёрлаб бермоқда. Цех аҳли тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиб, қисқа вақт ичида унумдорликни 73 процент оширди, материал ва ҳом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиб, корхонага салкам уч минг сўмлик соф фойда келтирди.

Цехда меҳнат қилаётган ишчиларнинг қарийб барчаси турли формаларда ўзаро мусобақалашмоқдалар. Цех партия ташкилоти мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш устида алоҳида қайғураяпти. Мусобақага ҳар ойда якун ясалиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Ишчиларнинг аксарияти коммунистик меҳнат зарбдори ном олиш учун курашмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида 27 кишига коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди. Улар орасида М. Чумаченко, В. Кочетков каби рационализаторлар ҳам бор. Янгилик ихлосмандлари ҳисобот даврида бешта муҳим янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиб, корхонага катта фойда келтирдилар.

Цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган цех партия ташкилотининг секретари А. Мартинов мана шу ютуқларни алоҳида тилга олди. Айни пайтда у коллектив эътиборидан четда қолаётган вазифаларни ҳам эслатиб ўтди. Кейинги пайтда ремонт-механика бригадаси аъзоларининг интизомсизлиги билан куйдириш цехидаги айрим печлар вақтида қўлдан чиқарилмади. Бошқа участкаларда ҳам кўплаб қимматли ишчи вақти йўқотилмоқда.

Сўзга чиққан машинист М. Чумаченко докладчини қўллабқувватлаб, меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурлигини уқдирди. Патешкин, Аҳмедов каби коммунистлар кўп ҳолларда интизомсизлик қилсалар ҳам, бироқ уларга нисбатан бирор чора кўрилмаяпти.

Коммунист А. Коробков таъкидлаб ўтдики, меҳнат интизомини мустаҳкамламоқ учун биринчи навбатда партиявий интизомга қаттиқ риоя қилиш керак. Ҳисобот даврида коммунистларнинг партия йиғилиши уч марта ўтмай қолди. Партбюро бу камчиликни тезда бартараф этишда зарур чораларни кўрмади. Бошқа участкаларда ҳам шундай. Бошқа участкаларда ҳам кўплаб қимматли ишчи вақти йўқотилмоқда.

Сўзга чиққан машинист М. Чумаченко докладчини қўллаб-қувватлаб, меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурлигини уқдирди. Патешкин, Аҳмедов каби коммунистлар кўп ҳолларда интизомсизлик қилсалар ҳам, бироқ уларга нисбатан бирор чора кўрилмаяпти.

Коммунист А. Коробков таъкидлаб ўтдики, меҳнат интизомини мустаҳкамламоқ учун биринчи навбатда партиявий интизомга қаттиқ риоя қилиш керак. Ҳисобот даврида коммунистларнинг партия йиғилиши уч марта ўтмай қолди. Партбюро бу камчиликни тезда бартараф этишда зарур чораларни кўрмади. Шуниси ачинарлики, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкасига партиявий таъсир ўтказилмаяпти. Слесарлар бригадасида бирорта ҳам коммунист йўқ.

Йиғилиш танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Сўзга чиққан Қ. Аҳмедов ҳам кўпчилик эътиборини бажарилмай қолаётган вазифаларга қаратди. У таъкидлагандек, коллектив ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар шу кун талабига жавоб бермайди. Кўргазмали агитация воситаларининг таъсирчанлиги сезилмайди. Партия сафларини ўстириш устида ҳам кам қайғурилмоқда.

Йиғилишда цех партия ташкилотининг янги состави сайланди.

М. ҚАЮМОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЙЎЛ ҲАМРОҲИ

Бепоён мамлакатимиз қон томирлари бўлмиш темир йўлда бир кеча-кундузда жами уч миллион атрофида пассажир ўз манзилига отланади. Уларнинг кўплари бир неча сутка давомида йўлда бўлишади. Вагон улар учун вақтинча иккинчи уй хизматини ўтайди. Шу уйнинг мезбони эса проводник. У кеча-кундуз пассажир хизматида. Манзилга етиб келгач эса ҳамма унга ўз миннатдорчилигини изҳор қилса, қандай яхши.

Соиб ака Орипов ҳам бундай сўзларни кўп эшитган. Мана 43 йилдан бери у темир йўл транспорти соҳасида ишлаб келади. 38 йилдан бери эса турли хил маршрутларда проводник хизматини бажаради. Бу — ўнлаб ва юзлаб кишилар билан муомалада бўлиш, улар ҳожатини чиқариш, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиш, демакдир.

1930 йил. Октябрь революцияси номли заводга Соиб ака ишга кирди. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан тезда ишчилар ҳурматини қозонди. Корхона моддий бўлимида юк ташувчилар бригадасига бошчилик қила бошлади. Ажойиб ишчи анъаналарига бой бўлган шу корхонада партия сафига қабул қилинди.

Кейинчалик уни 2-вагон депосига проводник сифатида ишлаш учун юборишади. Шундан бери Соиб ака темир йўлда проводник. Дастлаб республикамиз сўнгра ундан ташқарида узоқ рейсларда кўп йиллар хизмат қилди. Узи каби чақкон, ширин муомала, ҳожатбарор 15 нафар ёшга ўз касбини ўргатди.

Йўл ҳамроҳи... Бу касб одий, қийин эмасдек кўринади. Дарҳақиқат, ишнинг кўзини билган одамга ҳунарнинг қийини бўлмайди. Ҳамма гап тажрибада. Соиб ака эса катта ҳаёт тажрибасига эга. У хизмат қиладиган вагонлар ҳамиша тоза-озода. Пассажирлар ҳолаҳволидан доим ўзи хабар олиб туради. Китоб, газета-журнал, дейсизми, шашка-шахмат, дейсизми — ҳаммасидан топилади.

Соиб ака ҳозир пенсия ёшида, аммо ўзи севган ишини ҳалол давом эттиряпти. Темирйўлчилар шундай дилкаш ва жонкуяр касбдошлари билан ҳар қанча фахрланишса арзийди.

А. КОМИССАРОВ,
собиқ темирйўлчи.



ТОШЙЎЛДА ТЕЛЕКАМЕРА

Давлат «Латавтодормост» тресги Рижани курорт шаҳрини Юрмала билан боғловчи тез қатнов янги автомагистрал участкаларидан бирида ғалати иншоотлар комплексини қуришга киришди. Бу иншоотга давлат автоинспекцияси билан йўл хизмати эгалик қилади. Уларнинг бирлашган назорат посги Рига чегарасидан то Лие-Лупа дарёсигача бутун трассани олисдан кузатиш имкониятини олади. Тўққизинда айланма телекамера ўрнатилган 60 метрли минора шу комплекснинг энг ажойиб объекти бўлиб қолади. Шу ердан ўн километр радиус билан атрофга манзара очилади.

Йўл назоратчилари пульт ёнида камерани буриб, телевизион экрандан фойдаланиб йўлдаги тартибни бетўхтов кузатиб турадилар, ҳар қандай ҳаракат хавфсизлиги бузилишларининг тез олдини оладилар. Пост автоинспекция ва йўл хизматчиларининг навбатчи машиналари билан радио алоқа боғлаб туради. Бундан ташқари Рига—Юрмала магистралида жорий этилаётган йўл ишораларини дистанцион бошқариш системаси конкрет шароитларга қараб ҳаракат тезлигини чаққон тартибга солиб туришга, туман, яхмалак ва бошқа хавф-хатарлар тўғрисида ҳайдовчиларни огоҳлантиришга имкон беради. Шу йил бирлашган назорат посги қуриб битказилади.

С. ШПУНГИН.
ТАСС мухбири.

РИГА.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ТУФАЙЛИ

Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки икки ярим йили мобайнида фабрикамиз ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Корхонада иқтисодий ислоҳот системасини жорий этганимиз туфайли қувончли галабаларга эришдик. Ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлиги ошиб, меҳнатга бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди. Иш интизоми яхшиланди.

Шу туфайли давлат планлари ҳам муттасил оширилиб бажариляпти. Маҳсулот турлари кўпайиб, уларнинг сифати, кўриниши яхшиланмоқда. Қўл кучи билан бажариб келинган кўпгина жараёнлар янги машина ва механизмлар зиммасига юкланган. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш соҳасида айниқса муҳим амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Цехларимиз термопласт деб аталувчи автомат дастгоҳлар ва гидравлик прессларбилан жиҳозланди. Бунинг натижасида йилига 220 миллион донадан тугма тайёрлаш, пойафзал пошналари ишлаб чиқаришни 23 баравардан ошириш имкони туғилди.

Ўрта Осиёда ягона пластмасса буюмлари корхонаси ҳисобланган фабрикамизнинг талай маҳсулоти давлат «сифат белгиси» олганлиги ҳам диққатга сазовор.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган коллективимиз «Кам меҳнат сарфлаб қўплаб сифатли маҳсулот берайлик!» деган шиорга амал қилгани ҳолда, ҳал қилувчи зарбдор йилнинг саккиз ойлик план-топшириқларини муддатидан 15 кун бурун бажарди.

Йил бошида қабул этилган социалистик мажбуриятимизда йиллик планга қўшимча 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Бу мажбуриятни саккиз ойдаёқ 40 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб адо этдик.

Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи ярим йилда 111 процентга етказилди. Ишчиларимизнинг ўртача иш ҳақи планда кўзда тутилганидан юқори бўлгани ҳолда 157 сўмни ташкил этди.

Иқтисодий ислоҳот ва мусобақа шарофати билан планда кўзда тутилган 125 минг ўринга 166 минг сўм фойда кўрдик. Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга пландаги 74,45 тийин ўрнига 70,75 тийин сарфланди.

Бизда НОТ планлари ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ихтирочиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Масалан, ўтган ярим йилда бош технолог М. Давидов билан слесарь Д. Пустовларнинг ҳамкорликда ишлаб чиққан янгилигининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида йилига 25 минг сўм фойда кўрадиган бўлдик.

Тошкент тўқимачилик, Марғилон ипак комбинатлари ва «Атлас» фирмаси илғорларининг республика меҳнаткашларига қилган даъватларини қўллаб-қувватлаган коллективимиз оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

Илғор коллективлар, алоҳида ишчилар, инженер-техник ходимлар маънавий ва моддий рағбатлантирилиб турилибди. Ҳар бир кварталда мусобақа якунлари қараб чиқилиб, илғор цех коллективига фабрика партия ташкилоти, касаба союз ва маъмуриятнинг Кўчма Қизил байроги ва 400 сўм миқдорида пул мукофоти берилаётир. Иккинчи ўринни эгаллаган коллективга эса вимпел билан 250 сўмлик мукофот топширилади. Илғор бригада коллективлари вимпел билан 50 сўмлик пул мукофотига сазовор бўлмоқдалар. «Ўз касбининг моҳир устаси» мусобақаси ғолибларининг маошларига қўшимча 20 процент ҳақ тўланяпти.

Цехлараро мусобақада М. Х. Пўлатов бошчилик қилаётган биринчи цех, Г. И. Хачоян бошчилик қилаётган иккинчи цех коллективлари пешқадам ҳисобланадилар. Шунингдек Тошкент самолётсозлик заводининг фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутати Альбина Девятова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчилари Лидия Казанцева ва Евгения Губина ўртоқларга эргашиб меҳнат қилаётган икки ишчи шу кунларда 1975 йил ҳисобига, 47 ишчи эса 1974 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Шуниндек, 106 ишчини бирлаштирувчи 14 бригадага коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном берилган, 66 ишчидан иборат 5 бригада ана шу номни олиш учун курашмоқда.

Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг СССР енгил саноат министрлигининг пойафзал, кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарорларини қандай бажараётганлиги ҳақидаги қарорини зўр қизиқиш билан кутиб олди. Негаки, биз ҳам ана шундай кенг истеъмол буюмлари тайёрловчи Иттифоқимиздаги юздан ортиқ енгил саноат корхонасига ўз маҳсулотимизни юбориб турибмиз. Шу кунларда корхонамиз Чирчиқ шаҳридаги тикувчилик фабрикаси, пойтахтдаги 3-тикувчилик фабрикаси, «Юлдуз», трикотаж, «Қизил тонг» ва бошқа корхоналарга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли ярим асрлик юбилейига ҳозирлик кўраётган коллективимиз аъзолари йил бошида зиммаларига олган социалистик мажбуриятига ўзгариш киритишди. Жумладан, КПСС Марказий Комитетининг юқоридаги қарорига жавобан, зарбдор йил планини аввал мўлжалланганидек 25 декабргача эмас, балки 1 декабргача бажаришга қарор қилинди.

Коллективимиз социалистик мусобақа ва унинг олий формаси ҳисобланган коммунистик меҳнат ҳаракатини янада авж олдириб, ана шу мажбуриятни бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Миробид СОЛИҲОВ,
Тошкент пластмасса буюмлари фабрикасининг бош инженери.


ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

◆ЯҚИНДА Ғарбий Таймирга илмий-спортив экспедиция уюштирилди. Бир ой мобайнида экспедициянинг 14 аъзоси Ғарбий Таймир соҳиллари бўйлаб 2000 километр йўл босди ва 22 оролни тадқиқ этди. Улар ана шу оролларни кезган вақтда бир қанча тарихий топилмаларни қўлга киритишди. Суратда: экспедиция қатнашчиларини манзилга элтиб қўйган «Ленин» музёрар кемаси вертолетларидан бири.

◆РЯЗАНЬ ГРЭСи қурувчилари сентябрь ойида 300 минг киловатт қувватли биринчи энергоблокни ишга тушириш мажбуриятини олишган. Ёқилғи етказиб бериш участкасининг монтажчилари ва созловчилари, айниқса, зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Суратда: вакууматорларни монтаж қилиш пайти.

(ТАСС фотохроникаси).





ИМПУЛЬС ПАЙВАНДЛАЙДИ

НУҚТАВИЙ микросварка машинаси қуролланмаган кўз билан ажратиш қийин бўлган деталларни ҳам бир-бирига бириктира олади. Конденсаторларнинг зарядсизланиши натижасида ҳосил бўлган ток импульси машинанинг асосий «асбобидир».

Украина Фанлар академиясига қарашли Е. О. Патон номли электр сварка институтининг олимлари ғоят нозик операцияларни бажаришда ёрдам берадиган бир қанча аппаратларни ишлаб чиқиб, турмушда тадбиқ эта бошлашди.

Шу туркумдаги кейинги машиналардан бири юқори қисмига қалпоқ бостирилган кичик бир курсидан иборат. Электродларни қисувчи механизм курси остига монтаж қилинган бўлиб, ичида трансформатор ва ток манбаи бор. Аппарат оёқ тепкисини босиб ишга туширилади. Машина миллиметрнинг ўндан икки қисмидан юздан бир қисмигача йўғонликдаги буюмларни пайвандлайди ва бир секундда икки марта пайвандлай олади.

(ТАСС мухбири).

КИЕВ.

СОҒИН СИГИРЛАРНИ ТУЙДИРИБ БОҚИШ УСУЛЛАРИ

Сигирларни тўйимли ва сингишли, иқтисодий жиҳатдан асосланган рацион асосида боқиш уларнинг маҳсулдорлигини оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, сигирларнинг кўп сут бериши асосан икки омилга боғлиқ. **Биринчиси,** мол соғлом, наслдор, маҳсулдор бўлиши керак. **Иккинчидан,** сигирлар қандай шароитда, қандай рацион билан боқилиши ҳам ғоят муҳимдир. Емхашак мўл-кўл бўлса-ю, лекин у молларга ҳар хил усулларда тайёрлаб едирилмаса унинг самараси кам бўлади. Шунинг учун ҳам емхашакни тайёрлаш ва уни едириш муҳим аҳамиятга эгадир. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, мустаҳкам ем-хашак базаси яратилгач, молларни боқиш, озиқлантириш, парвариш қилиш ишларини илмий асосда ташкил этиш лозим. Ана шунда соғиш сигирларнинг маҳсулдорлиги иккиюч баравар ортиши мумкин.

Ўтган йили республикамизда ҳар бош соғиш сигирдан олинган сут ўрта ҳисобда 1526 килограммданга тўғри келди. Тошкент областида эса бу миқдор 2359 килограммни ташкил этди.

Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда ҳар бош сигирдан 3000—5000 килограммга етказиб сут соғиб олаётган хўжаликлар бор. Афсуски, бундай хўжаликлар сони кутилганидан ҳам аҳамият касб этувчи омилдир. Сигирлар бузоқлагандан сўнг уларни аста-секин тўла рацион асосида боқишга ўтиш керак. Бу ишни оқилона тарзда амалга ошириш талаб этилади. Яъни озиқлантиришда молларнинг иштаҳасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Демоқчимизки, мўл-кўл озуқа бериш билан соғин сигирлардан кўп сут соғиб олишни мўлжал қилиш ярамайди. Соғин сигирлар керагидан ортиқча тўйдириб озиқлантирилса, иштаҳаси бўғилади, ошқозони бузилади. Мабодо шундай ҳолат рўй берса, бир неча-кундузлик рационни камайтириш лозим бўлади.

Сигирни ҳар куни белгиланган вақтда озиқлантириб, тозалаб туриш маъқулдир. Бу тартибни бузиш маҳсулдорликнинг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Одатда, концентрат ва дағал емхашакларнинг кечки пайтлари, қолганларини эса эрталаблари сигирларга едириш самаралидир. Концентратларни одатда соғиш пайтларида, хашак ва силосни эса сигир соғиб олингандан сўнг едириш маъқул. Ана шундай қилинса, чанг ва хас-чўплар сутга тушмайди, силоснинг ҳиди сутга ўрнашиб қолмайди.

Сут соғиб олишнинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатадиган барча омилларни бир-бирига мувофиқлаштириб ва нисбийлаштириб олиб боришни таъмин этиш маҳсулдорликнинг юқори бўлишини таъминлайди.

Сигирларнинг рационида енгил ҳазм бўладиган углевод моддалари бўлиши шарт. Бу тадбир сигир меъдасининг сусайиб кетмаслиги, қанд-протеин моддаларининг нисбатини керакли ҳолатда бўлишини таъмин этади. Азот моддаларидан фойдаланишнинг камайиб кетишини олдини олади, углевод-ёғ моддаларн алмашинувининг ёмонлашувига йўл қўймайди.

Маълумки, ёз пайтларида рациондаги озуқаларнинг 70—80 процентини кўк масса ташкил этади. Бу озуқада протеин моддалари организм учун керак бўлгандан ортиқ даражада мавжуддир. Агар бундай рационга оқсил моддалари юқори бўлган ем қўшилса, протеин моддасининг нисбати бундан ҳам тораяди, нисбатан олганда кўпайиб, рациондаги азотга бой бўлган моддалар кўпаяди. Оқибатда бу ҳолатда оқсил моддаларига бой бўлган емларнинг норационал сарф бўлишига олиб келади. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик керакки, рационда оқсил моддалари ҳаддан ташқари кўп бўлса, бу ҳолат соғин сигирлардан сут соғиб олишни қийинлаштириб қўйиши мумкин. Бу, айниқса юқори маҳсулдор сигирларда яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам рационга енгил ҳазм бўладиган моддаларни қўшиш қанд-протеин моддаларининг нисбатини яхшилайди, сигирнинг маҳсулдор бўлишини таъминлайди, азот моддаларидан яхши фойдаланишга олиб келади. Бунда ҳам шуни унутмаслик керакки, сигирнинг рационида қанд-протеин нисбати единицага яқин бўлиши керак. Ана шунда сут соғиб олиш нормал бўлади.

Сигирларни тўла рацион асосида боқишда организмда биологик қаршиликни енгишда каталитик заторлик ролини ўйновчи витаминларнинг аҳамияти каттадир. Озуқа балансининг нисбати таҳлил этиш шуни кўрсатадики, республикадаги ғалла етиштиришни кўпайтириш рациондаги фосфор моддаларининг камоматини тўлдиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, маккажўхори ва бугдой, унинг чиқиндилари фосфор моддаларининг муҳим манбаидир.

Сигирлар учун белгиланадиган рационнинг тўла-тўкислиги ем-хашакларнинг умуман олганда тўйимлилиги, протеин макро ва микро элементлар билангина белгиланмайди. Бунда боқиш кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш керак. Енгинг етишмаслиги соғин сигирларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз ёг саноати ўсимлик мойини экстракциялаш ва атиги бир процент ёғи бўлган шрот олишнинг поток усулига ўтган бир пайтда бунга аҳамият бериш айниқса муҳимдир.

Илигга ҳар бош соғин сигирдан ўртача 2500—3000 килограммдан ошириб сут соғиб олинаётган хўжаликларда соғин сигирлар учун белгиланадиган озуқа рационларининг барча кўрсаткичлари бўйича тўла-тўкис бўлишига айниқса алоҳида аҳамият бериш керак.

Сигирларни боқиш ишига илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар асосида муносабатда бўлмасдан туриб, сут чорвачилигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни амалда муваффақиятли ҳал этиш қийин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, сигирларнинг умумий рационида озуқа моддалари, масалан, протеин, минерал тузлар, витаминлар ёки ана шу хилдаги бошқа моддаларнинг етишмаслиги соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини камайтириб юборади. Сигирларни озиқлантиришда ем-хашак нисбатини барча кўрсаткичлар бўйича тўғри олиб бориш молларнинг физиологик ҳолатини яхшилашга ва маҳсулдорлигининг ортиб боришига олиб келувчи муҳим омилдир.

Ш. АКМАЛХОНОВ,
М. МИРҲИДОЯТОВ.
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Молларнинг рационини протеин ва витаминлар билан бойитишда оқсил-витамингга сероб бўлган ўт талқони муҳим роль ўйнайди. Ўт талқони дуккакли ўтларни сунъий равишда қиритиш ва майдалаш йўли билан олинади. Ўт сунъий равишда қуритилса, унинг барча қимматбаҳо озуқа моддалари тўла сақланиб қолади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай йўл билан олинган озуқада аминокислоталар ҳам ниҳоятда серобдир. Бундан ташқари унда витаминлар ва зарур миқдордаги барча макро-микроэлементлар бор.

Зоотехниклар ва фермаларнинг барча ходимлари молларни озиқлантиришда минерал моддаларнинг тўла-тўкис бўлиши гоят катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биладилар. Озуқада талаб қилинган витаминлар ва минерал моддалар нормал бўлса, сигир соғлом, бўлали бўлиб ўсади, тана териси яхши ривожланади. Касалликларга чалинмайди. Бундай моллардан олинган бузоқлар ҳам соғлом ва нормал ўсади. Бир сўз билан айтганда мол организмининг барча муҳим ҳаётий жараёнлари уларга едирилаётган озуқаларда қальций, фосфор ва бошқа минерал моддаларнинг қай ҳолатда бўлишига боғлиқдир.

Маълумки, озуқадаги кальций ва фосфор моддаси сигирнинг эҳтиёжи учунгина эмас, балки ундан соғиб олинадиган сутнинг ёғли ва мазали бўлиши учун ҳам зарур бўлган моддадир. Бундан чиқадиган хулоса шуки, сигир қанчалик серсут бўлса, бундай моддаларга эҳтиёжи шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари, кальций ва фосфор моддалари бўғоз сигирларда наслнинг нормал ривожланиши учун ҳам ниҳоятда заруздир.

Сигир бундай минерал модда элементларини сут бериш даврининг охирлари ва сутдан чиқиш даврига бориб, ўз организмида запас қилиб тўплай бошлайди. Сўнгра эса бу моддаларни улар кўплаб миқдорда талаб қилинадиган, яъни лактация даврининг эрта муддатларига бориб сарф қилади.

Лекин шунга қарамасдан ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам молларни узоқ вақт давомида етарли миқдорда рацион асосида озиқлантириш тадбирларини амалга ошириш керак. Акс ҳолда кальций ва фосфор моддалари мол организмида ҳаддан ташқари етишмай қолса, маҳсулдорлиги камайиб кетади, ҳатто мол танасининг бузилишидаги мутаносиблик бузилиб, у нобуд бўлиши ҳам мумкин. Ана шу элементлардан бирортаси ҳаддан ташқари кўпайиб кетган тақдирда ҳам бу мол учун хавфлидир. Тажрибалардан бирида беш сигирга рацион белгиланганида фосфор моддаси камайтирилди, бундай сигирлардан ўртача 1625 килограммдан сут соғиб олинди. Сут соғиб олишнинг кейинги даврида улар етарли миқдордаги фосфор билан таъмин этилди. Рационда бошқа тафовут бўлмаса ҳам бу сигирлардан ўртача 3094 килограммдан сут соғиб олинди. Бизнинг республикамиз шароитида рационда фосфорнинг етишмаслиги кўп ҳолларда юз бериб туради. Демак, мутахассисларимиз соғин сигирлар учун рацион белгиланадиганда уни алоҳида ҳисобга олишлари зарур. Республикада етиштиришни кўпайтириш рациондаги фосфор моддаларининг камоматини тўлдиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, маккажўхори ва бугдой, унинг чиқиндилари фосфор моддаларининг муҳим манбаидир.

Сигирлар учун белгиланадиган рационнинг тўла-тўкислиги ем-хашакларнинг умуман олганда тўйимлилиги, протеин макро ва микро элементлар билангина белгиланмайди. Бунда боқиш кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олиш керак. Енгинг етишмаслиги соғин сигирларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз ёг саноати ўсимлик мойини экстракциялаш ва атиги бир процент ёғи бўлган шрот олишнинг поток усулига ўтган бир пайтда бунга аҳамият бериш айниқса муҳимдир.

Илигга ҳар бош соғин сигирдан ўртача 2500—3000 килограммдан ошириб сут соғиб олинаётган хўжаликларда соғин сигирлар учун белгиланадиган озуқа рационларининг барча кўрсаткичлари бўйича тўла-тўкис бўлишига айниқса алоҳида аҳамият бериш керак.

Сигирларни боқиш ишига илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар асосида муносабатда бўлмасдан туриб, сут чорвачилигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни амалда муваффақиятли ҳал этиш қийин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, сигирларнинг умумий рационида озуқа моддалари, масалан, протеин, минерал тузлар, витаминлар ёки ана шу хилдаги бошқа моддаларнинг етишмаслиги соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини камайтириб юборади. Сигирларни озиқлантиришда ем-хашак нисбатини барча кўрсаткичлар бўйича тўғри олиб бориш молларнинг физиологик ҳолатини яхшилашга ва маҳсулдорлигининг ортиб боришига олиб келувчи муҳим омилдир.

Ш. АКМАЛХОНОВ,
М. МИРҲИДОЯТОВ.
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЧИЛИ ХАЛҚИ БИЛАН ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК

(Бошн 1-бетда)

БЕЛГРАД. Югославия Коммунистлар Союзи Президиуми Ижроия Бюросининг баёнотида бундай дейилади: конституцион тузумга ва демократик асосда сайлаб қўйилган қонуний органларга, тараққиётга, Чили меҳнаткашлари ва халқининг чинакам демократияси ва озодлигига ҳамла қилинганлиги муносабати билан Югославия Коммунистлар Союзи, ишчилар синфимиз ва барча халқларимиз эзгу орзуларимиз қаттиқ газабланганликларини билдирадилар, реакцион, империалистик ва янги мустамлакачи кучларнинг ана шу жиноий ҳужумига қарши қатъий норозилик изҳор қиладилар ва бу ҳуружни кескин қоралайдилар.

Империализм Латин Америкаси қитъасидаги барча мамлакатларда тараққиёт ва мустақил ривожланишни, шунингдек бу қитъадаги халқлар ва мамлакатларнинг озодлик, мустақиллик, қонуний тенглик ва чинакам суверенитет учун олиб бораётган курашини тўхтатишга интилмоқда. Аммо прогрессив жараёнларни исён, қамоққа олиш ва ўлдириш йўли билан тўхтатиш мумкин эмас.

Баёнотда айтиладики, Югославия халқи ва ишчилар синфи Чили халқи ва ундаги барча тараққийпарвар кучлар билан ҳамиша бирдам бўлиб, уларни астойдил қўллаб-қувватлайверадилар.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Компартиясининг миллий раиси Г. Уинстон «Қўшма Штатлардаги барча демократ кучларни Чили халқ ҳукуматини астойдил қўллаб-қувватлашга» даъват этди.

Г. Уинстон чет эл монополиялари ва бошқа империалистик кучларнинг Чили ички ишларига аралашувини қоралади. Бундай ҳаракатлар, деб таъкидлади у, «эркин сайлов тўғрисида гап сотганлари ҳолда, кейинчалик ҳарбий зўравонлик йўлини тутадиган империалистик доираларнинг риёкорлигини фош қилиб ташлайди».

ЛОНДОН. Буюк Британия Коммунистик партияси баёнот эълон қилди. Баёнотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Англиянинг барча меҳнаткашлари ва тараққийпарвар ҳаракати Чилида демократик йўл билан сайлаб қўйилган Халқ бирлиги ҳукуматига қарши қилинган ҳарбий тўнтаришни қатъиян қоралайдилар. Улар Чили меҳнаткашлари билан бирдам экани лигини изҳор қиладилар.

Лейбористлар партиясининг бош секретари Рональд Хейуорд қуйидагиларни айтди: «Англия лейбористлар партияси Чилида рўй берган вазиятдан ғоят ташвишланмоқда. Биз мамлакатни граждандар уруши гирдобига ташламоқчи бўлган ички ва ташқи реакцион кучларнинг ҳаракатларини қоралаймиз».

Хейуорд инглиз меҳнаткашларини Чили Халқ бирлиги ҳукуматини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

РИМ. Италия Компартиясининг Бош секретари Энрико Берлингуэр Италия коммунистлари, барча меҳнаткашлари Чили халқини қардошларча қўллаб- қувватлаётганликларини, Чили халқи билан мустаҳкам бирдамлигини изҳор қилди.

Италия умуммеҳнат конфедерацияси Альенде бошлиқ қонуний ҳукуматга қарши ҳарбийлар томонидан уюштирилган исёндан даргазаб бўлганлигини билдирди.

ЛИМА. Перу меҳнаткашлари умумий конфедерацияси Чилидаги ҳарбий исён ташкилотчиларини қоралади ва Чили меҳнаткашлари билан тамомила бирдам эканлигини билдирди. Перу меҳнаткашларн умумий конфедерацияси Чилидаги тўнтариш Перуга ҳам қарши қаратилганлигини таъкидлади. Бунинг бонси шуки, империализм Чили ва Боливияда қилган ишларини Перуда ҳам амалга оширишга уринмоқда.

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина Коммунистик партиясининг баёнотида бундай дейилади: «Чили помешчик олигархияси, капиталист монополиялари, йирик буржуазияси ва реакцион ҳарбийлари халқаро империализмнинг ёрдами билан Халқ бирлиги ҳукуматига қарши қаратилган ҳарбий исён кўтарди. Улар бу билан Сальвадор Альендени ёқлаб овоз берган халқнинг хоҳиш-иродасини поймол этдилар». Халқаро империализм Латин Америкасидаги революцион ўзгаришлар жараёнини Чили реакцияси ёрдами билан тўхтатишга уринмоқда. Чилида ишчилар синфидан, деҳқонлардан ва мамлакатнинг бутун халқидан қонли ўч олиш бошланди.

МЕХИКО. Мексика пойтахтининг меҳнаткашлари Чили халқ ҳукумати билан бирдамлик намойиши ўтказдилар. Улар Мексика ҳукуматидан тўнтариш исёган Чили ҳарбий хунтасини танимасликни талаб қилдилар.

ТОКИО. Япония Социалистик партияси тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализмни ёқлаб чиқаётган барча кишиларни Халқ бирлиги ҳукуматини ҳимоя қилиш юзасидан халқаро майдонда бирдамлик ҳаракатини кучайтириб юборишга даъват этди.

ТАРБИя ПРОБЛЕМАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

УЛАН-БАТОР 12 сентябрь. (ТАСС). Социалистик мамлакатлар маориф министрларининг бугун Улан-Баторда очилган конференциясида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемалари, маориф, олий ва ўрта махсус таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинмоқда. Конференцияда Болгария, Венгрия, ВДР, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари, шунингдек, Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши вакиллари иштирок этмоқда.

СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин бугунги мажлисда «Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш» тўғрисида доклад қилди.



◆ПОЛЬША. Совет Иттифоқи — Польша кемаларини сотиб олувчи энг асосий давлатдир. Икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик туфайли Польша Халқ Республикаси кемасозлик саноатини янада кенгайтириш имкониятига эгадир. Суратда: В. И. Ленин номидаги Гданьск портида «Владимир Тимофеев» кемаси қурилиши тугалланмоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

Ф. КАСТРО ХАНОЙДА

ХАНОЙ, 12 сентябрь. (ТАСС). Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукумати Бош министри Фидель Кастро рус бошчилигидаги Куба Республикаси партия-ҳукумат делегацияси Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан бугун бу ерга келди.

Ханойдаги Зялам аэропортида кубалик меҳмонларни ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, ВДР Миллат Мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь, ВДР Бош министри Фам Ван Донг, ВДРнинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари, дипломатия корпусининг аъзолари, республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Зялам аэропортида Куба партия-ҳукумат делегациясини тантанали кутиб олиш маросими чоғида ҳар икки қардош мамлакатнинг давлат гимнлари ижро этилди, миллатлар салюти берилди.

ФАВҚУЛОДДА КЕНГАШ

ПАРИЖ, 12 сентябрь. (ТАСС). Нефть истеъмолчилари бўлган тўққиз капиталистик мамлакат: АҚШ, Англия, Франция, Германия Федератив Республикаси, Канада, Япония, Италия, Голландия, ва Норвегия экспертлари бу ерда фавқулодда кенгаш ўтказишди. Улар араб нефтининг нархи оширилиб, Ливия ҳукумати АҚШ нефть монополияларининг фаолиятини назорат остига олиш чораларини кўриганидан кейин жаҳон нефть бозорида рўй берган аҳволни муҳокама қилишди.


Маҳфий равишда ўтказилган бу кенгаш қатнашчилари келгусида қандай йўл тутиш лозимлиги тўғрисида бир фикрга келолмадилар.

АМЕРИКА КОММУНИСТЛАРИНИНГ ПРОГРАММАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь. (ТАСС). АҚШ коммунистик партиясининг миллий раиси Г. Уинстон Нью-Йорк яқинидаги Монро шаҳрида ўтказилган оммавий митингда гапириб меҳнаткашларнинг ҳаётий ҳуқуқларига монополнлар томонидан қилинаётган ҳужумга, инфляцияга қарши, кенг америкаликлар оммасининг моддий аҳволини яхшилаш учун кураш ғоят муҳим вазифа бўлиб турибди, деди.

АҚШ коммунистик партияси, деди Г. Уинстон, фавқулодда ҳаракатлар программасини ишлаб чиқди. Бу программа ҳарбий ҳаражатларни қисқартиришни ва тежалган маблағларни социал эҳтиёжларга сарфлашни, монополияларга солинадиган солиқларни кўпайтиришни, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларини кўпайтиришни, камбағалларга моддий ёрдам кўрсатишни кўзда тутади.

Г. Уинстон коммунистлар таклиф қилган программани бажариш учун халқ томонидан олиб борилган курашнинг фронти кенгайтирилиши кераклигини айтди.



Германия Демократик Республикасининг Ротензей (Магдебург округи) пўлат қуйиш заводида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: завод цехларидан бирида.

АДН—ТАСС фотоси.

ИНСОНПАРВАРЛИК, СОЦИАЛ АДОЛАТ, ТИНЧЛИК ТАНТАНАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

«Биз бутун дунёда инсонпарварлик, социал адолат ва тинчлик тантанасига, империалистик реакция, эски ва янги мустамлакачилик ва ирқчилик қора кучлари устидан тантана қилишга ёрдам беришини ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз». Совет Иттифоқи, Бангладеш, Ҳиндистон ва Покистон ёзувчиларининг 11—12 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган дўстона учрашуви тўғрисида берилган ахборотда шундай деб ёзилган сатрларни ўқиймиз.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Олмаотада ўтган V конференциясида шу учрашувни ўтказиш фикри пайдо бўлди. «Биз бундан ўнбеш йил аввал Осиё ва Африка ёзувчилари биринчи марта йиғилган Тошкент диёрига, «Тошкент руҳи» пайдо бўлган диёрга, шу йиллар ичида улғайган, кучига куч, қудратига-қудрат қўшилган Тошкентга боришни ўз бурчимиз деб билдик»,— дейди Покистоннинг таниқли ёзувчиси Файз Аҳмад Файз.

Тўрт мамлакат ёзувчилари Тошкентдаги шу учрашувларига кўпи кеча тугаган тарихий Олмаота анжумани қарорларини амалга оширишга қаратилган бир қадам деб қарамоқдалар. «Ҳозирги адабиёт ва маданиятда прогрессивлик концепцияси», «Социал тараққиёт ва адабиёт», «Адабиётнинг тарбиявий роли» каби масалалар Тошкентдаги «думалоқ стол» кун тартибига қўйилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилиш Совет комитетининг раиси К. Яшин учрашувни очди. Ҳиндистон ёзувчиси Оттар Сингх биринчи бўлиб сўз олди ва мустамлакачилик ҳалқлар маданиятини қай тариқа поймол этаётганлиги, халқларнинг маданий алоқаларига тўсқинлик қилаётганлиги тўғрисида гапирди. Маданий бойликларни алмашлаш кишиларга қанчалик кўп яхшиликлар келтиради. Бу ишда адабий асарларнинг таржималари катта роль ўйнайди. Ҳиндистонда 30—40 йиллардан бошлаб рус ва совет ёзувчилари асарларининг таржима қилиниши бунинг мисолларидан биридир. Шуларнинг таъсирида ҳинд адабиётида реализм, танқидий реализм, социалистик реализм каби янгиянги йўналишлар пайдо бўлди. Оттар Сингх халқларнинг маданиятлари ўзаро бойишига ёрдам беришни замонавий прогрессив адабиётнинг вазифаларидан деб билади.

Бангладешлик ёзувчи Шарафиддин Ҳинд ёзувчисининг шу хулосасини қўллаб-қувватлади. Ёш давлат адиблари халқнинг янги ҳаёт, тараққиёт, тинчлик учун кураши авангардида бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Шарафиддин бугунги кунда ўз ватанида ёзувчилар мамлакатда саводхонлик даражаси пастлигини назарда тутиб, оммага тарбиявий ва эстетик таъсир кўрсатишнинг янги формаларини излаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

Бангладешнинг яна бир вакили Қози Абдулманнон ўз мамлакати адабиётига Октябрь ғояларининг таъсири тўғрисида гапирди. Миллий озодликка интилиш социализм идеалларига интилишга қўшилиб кета бошлади. У ўз ватанининг прогрессив ёзувчилари халқнинг яхши келажак учун курашида ҳамиша у билан бирга бўлди, деб таъкидлади. Ҳиндистоннинг буюк ёзувчиларидан бири Тагор халқни озодлик учун, яхши келажак учун фаол курашга даъват этганди. Бугунги кунда Бангладеш ёзувчилари Тагорнинг шу байроғини кўтариб боришмоқда.

Покистонлик шоир Афзал Рангҳава урушга қарши, тинчликни, мазлумларни ҳимоя қилиш учун кураш пешқадами бўлишни прогрессив адабиётнинг вазифаси деб билади. «Инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, қора танлилар Африкасини ҳимоя қилиш учун, Ҳинди — Хитойда ҳунрезликка қарши, Фаластин қочоқларини ҳимоя қилиш учун курашаётган шоир ёки прозанк қаерда яшамасин у ҳамиша прогрессив кишидир. Прогрессив адабиёт — бирдан-бир чинакам адабиётдир, чунки озодлик, социал тараққиёт, тинчлик ғоялари ундан ажралмасдир, чунки у империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш адабиётидир. Прогрессив адабиёт инсон учун, инсон яшаб турган заминнинг гўзаллиги учун курашади».

Ҳиндистонлик меҳмон Д. Тхаккаранинг фикрича, ҳозирги вақтда америкалик ва мағриблик ёзувчи деб аталмиш кишилар зўр бериб таргиб этаётган «беъмани адабиёт»га қарши кураш олиб бориш ёзувчилар олдида турган катта вазифалардан биридир.

Украинлик шоир Дмитрий Павличко ўз ўлкасининг қардош халқлар адабиётлари билан чамбарчас боғланган адабиёти қандай ўсиб, камол топаётганлиги ҳақида гапириб берди. «Биз келажак сари интилаётган, коммунистик жамият идеалларига хизмат қилаётган ҳамма ишларни прогрессив ишлар деб биламиз», деди шоир.

Тараққийпарвар деган тушунча замон ва шарт-шароитга қараб ўзгаради, деди қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов. Совет адабиёти тарихида, жумладан, Улуғ Ватан уруши йилларида ёзувчилар душманни қиришга даъват этган бўлсалар-да, айни маҳалда асарларимизда инсонга буюк меҳр-муҳаббат ҳис-туйғулари яшарди.

Инсон учун, инсон ҳаётининг гўзаллиги учун кураш олиб боришдан кўра олижаноброқ бошқа ҳеч қандай ҳаракат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳиндистон билан Бангладеш давлат гимнларининг замирида буюк Тагорнинг инсон ҳақидаги сўзлари ётганлиги рамзий бир ҳолдир.

Конференцияда ёзувчи О. Кешоков, адабиётшунослар. И. Д. Себеряков, П. Челишев, драматург Иззат Султон, Араб Ўғи (СССР), ёзувчилар Уттам Чандани, Акил Андан, Х. Баччан (Ҳиндистон), Жамолиддин Абру, Кишвар Нохид (Покистон) ва бошқалар ҳам сўзладилар.

Икки улуғ қитъа адиблари ҳаракатининг бешиги — Тошкентда учрашуви даврасининг қатнашчилари қабул қилган ахборотларида бундай сўзларни ёзишди:

—«Бадиий сўз — асосий қуролимиз. Биз ўзимизнинг бутун истеъдодимизни халқларни бир-бирларидан ажратиб қўядиган ҳамма нарсага қарши, маънавий ва жисмоний асоратга солишнинг ҳамма шаклларига қарши, дунёда тинчлик, демократия ва социал тараққиёт юксак идеаллари қарор топиши учун курашдан иборат муқаддас ишга сарфлайверамиз».

С. ФРОЛОВА.
(ЎзТАГ мухбири).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Калинин районидаги 2-«Тошкент» совхозининг Номоз Содиқов бошлиқ 9-бригадаси далаларида иш қизғин. Бригада мирзакорлари 43 гектар ерга карам, помидор, бодринг, сабзи, ош лавлаги, бақлажон каби сабзавот экиб, мўл ҳосил йиғиб олмоқдалар. Бригадага бундан ташқари маккажўхори, беда ва хашаки лавлаги экиладиган майдонлар ҳам бириктирилган. Бу ерларда ҳам мўл озуқа етиштирилди.

Ҳозир сабзавот ҳосилининг кўп қисми йиғиб олинди. Кечки сабзавот экинлари яхши парвариш қилиниб, мўл ҳосил етиштирилди ва ҳосилни йиғиб олишга киришилди.

Сабзавот ҳосилини ўз муддатида йиғиб олиш айниқса муҳим эканлигини яхши англаган бригада соҳибкорлари эл дастурхонига сифатли маҳсулот етказиб беришга алоҳида эътибор бердилар.

Т. ДЎСОНОВ.



⊙ ОЛТИН КУЗ, турли-туман мевалар ғарқ пишган. Соҳибкорларнинг қилган самарали меҳнатлари туфайли узумзорларда баракали ҳосил етиштирилди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг соҳибкорлари ҳам узумдан мўл ҳосил олишга муяссар бўлмоқдалар. Суратда: Санобар Умарова узум узмоқда.

А. Абалян фотоси.

ЁРҚИН САНЪАТ КЎРИГИ

МОСКВА ТАГАНКАСИДАГИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ ГАСТРОЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

МАШҲУР ёзувчи Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» китоби жаҳонга машҳур. Унинг моҳияти тўғрисида Н. К. Крупская шундай деган эди: «Риднинг бу китобчасида ҳозирги халқ оммаси революциясининг умумий картинаси берилган, шунинг учун ҳам китоб Октябрь революцияси тарих бўлиб қоладиган ёшлар учун, келажак авлод учун катта аҳамият касб этади».

Сиёсий руҳ билан суғорилган бу асар биринчи марта Москва Таганкасидаги драма ва комедия театрининг изланувчан коллективи томонидан саҳнага олиб чиқилди. Революция темасида ёзилган бу спектаклни саҳнага муваффақиятли олиб чиқилиши театр коллективининг шуҳратига-шуҳрат қўшиб юборди. Коллектив аъзоларининг катта имкониятларга бой эканларини яна бир бор исботлади. Бу саҳна асари Москва меҳнаткашлари ва чет эллик меҳмонлар томонидан қизғин қарши олинди. Спектакль Иттифоқимизнинг кўплаб шаҳарларида намойиш этилиб, талабчан томошабинларнинг ҳурматини қозонди.

11 сентябрда пойтахтимиздаги Свердлов номли концертлар залида ана шу кенг қиррали саҳна усталарининг гастролари бошланди. Улар ўз программаларини «Дунёни титратган ўн кун» асари билан бошлашди. Октябрь революцияси воқеаларини ўзида қамраб олган бу спектаклни концертлар залида тўпланган неча минглаб тошкентлик томошабинлар катта эҳтиром билан кутиб олиб, муносиб тақдирлашди. Пантомима, цирк, диалоглар орқали акс эттирилган ўтмиш соялари, Романовлар хонадонининг қудаши, вақтли ҳукуматнинг сўнгги кенгаши, пойтахтга — ҳақиқат учун каби саҳна номерлари ниҳоятда ишонарли чиққан. Бу номерларнинг уюшмасида китобнинг асл моҳияти ҳар томонлама очиб берилган. Спектаклга коллектив аъзоларининг ҳаммаси жалб этилган бўлиб улар орасида ўзларининг ёркин санъатлари билан кўп йиллардан бери халқимизга хизмат қилиб келаётган етакчи артистлар кўплаб топилади. РСФСР халқ артисти Г. Ронинсон, ва Т. Махова, артистлардан Т. Сидоренко, Т. Жукова, Жон Рид ролида чиққан Д. Шербаковлар ана шулар жумласидан.

Бу ижодий коллектив 1963 йилда Евгений Вахтангов номидаги театр қошида ташкил топган. Унинг асосий ташкилотчиларидан бири РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Юрий Петрович Любимовдир. Бу моҳир санъаткор ўзининг бутун куч ва иродасини совет санъатини ривожлантиришга бахш этган энг етакчи саҳна усталаридандир. Юрий Петрович иттифоқимизда биринчи бўлиб, барча касб вакиллари учун бирдек маъқул ва манзур бўладиган ҳозирги замон проблемаларини ва классик асарларни ҳамкорликда саҳнага олиб чиқолди. Мана шунинг учун ҳам у раҳбарлик қилаётган драма ва комедия театри ёш бўлишига қарамай тилларда ва дилларда мустаҳкам ўрин эгаллаб, донг тараттмоқда.

— Бизнинг репертуаримиз кўп қиррали дир,— дейди театрнинг етакчи артисти Вениамин Смехов.— Саҳнага олиб чиққан асарларимизнинг қарийб кўпчилигини ҳозирги замон темаси ва ўтмиш классикаси ташкил этади. Андрей Вознесенскийнинг «Антимирлар», Сергей Есенининг «Пугачев», Борис Васильевнинг «Бу ерларнинг тонги сокин» каби спектакларда кўплаб тарихий шахслар ва ҳозирги замон масалалари асос қилиб олинган. Мольернинг «Тартюф», Шекспирнинг «Гамлет», Брехтнинг «Галилей ҳаёти», Горькийнинг «Она», Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак» саҳна асарлари классик жанрлар қаторидан ўрин олган.

Театрда ролларни зўр маҳорат ва усталик билан ижро этаётган ёшлар бор. Кекса санъаткорлар қўлида таҳсил топиб, ўз усталарида тинмай изланаётган бу санъаткорларнинг ижоди талабчан томошабинларни мамнун этмоқда. Ана шулардан бири Валентин Золотухиндир. Бу истеъдод эгаси кино артист сифатида ҳам кўпчиликка таниш. Валентин кўплаб спектакларда етакчи ролларни катта маҳорат билан ижро этгани ҳолда коллективнинг шуҳратига-шуҳрат қўшмоқда. Владимир Висотский, Зинаида Славина, Инна Ульянова, Аня Жуковаларнинг номи ҳам коллективда ҳурмат билан тилга олинади. Ёш ижрочилар ўз устларида тинмай изланганликлари ҳолда зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан адо этишмоқда.

— Биз ўз гастролларимизни Тбилиси шаҳрида бошлаган эдик,— дейди Юрий Петрович.—Серқуёш ўлканинг кўплаб шаҳарларида спектакллар билан чиқдик. Коллективимиз томонидан намойиш этилган барча саҳна асарларини Грузия меҳнаткашлари шоду хуррамликда қабул қилишди. Сухуми, Киев, Ленинград, шаҳри томошабинлари ҳам театр коллектив аъзоларини мамнуният билан қарши олиб катта меҳмондўстлик кўрсатишди. Биз Тошкентда ўн кун бўлиб, сўнгги йилларда саҳнага олиб чиқилган янгидан-янги асарларни намойиш этмоқчимиз. Спектакллардан бўш вақтларда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиламиз. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залларида бўлиб, доҳийга бўлган ўз иззат-ҳурматимизни яна бир бор билдирамиз. Шаҳарнинг бир қатор корхона ва ташкилотларида бўлиш ниятидамиз. Фурсатдан фойдаланиб спектаклларимизда иштирок этаётган барча томошабинларга коллективимиз аъзоларининг миннатдорчилигини изҳор қиламан.

И. ЮСУПОВ.





Театр коллективи томонидан саҳнага олиб чиқилган «Пугачев» (чапда) ва «Сезуанлик киши» спектаклларидан кўринишлар.



АШХОБОД ШИФОСИ

Ашхободда минерал сув манбаи борлиги 1966 йилдаёқ аниқланган эди. Шундан буён бу шифобахш манбани ўзлаштириш бошлаб юборилди. Ҳозирги вақтда бу ерда йилига уч миллион шиша минерал сув тайёрлаб чиқарилмоқда. Яқин вақт ичида эса бу миқдор 5—7 баробар кўпайтирилади.

Ашхобод минерал сувининг шифобахшлиги шундаки, ундан ошқозон-ичак ҳамда юрак, асаб ва ҳаракат аъзолари касалликларини даволашда қўлланиш мумкин.

ЧЎЛ ЎРТАСИДАГИ КЎЛ

Мутахассислар бундан бир неча йил муқаддам Амударёнинг қадим ўзани бўлган Ўзбойни тадқиқ қила туриб, чўл ўртасида ялтираб турган сув манбанга дуч келишди. Юзаки қараганда, кичик бир кўл бўлиб кўринган бу манба аслида жўшқин Амунинг қадимги қолдиқ ўзани эканлиги аниқланди.

Бундай ўзанлар Қорақум бир вақтлар боғ ва экинзор ўлка бўлганидан дарак бериб, ҳозир ҳам улардан чўпонлар, геологлар ичимлик сув сифатида фойдаланишади. Ясхан деб аталган бу мужазгина кўл остида эса каттагина ичимлик сув манбаи бор экан. Демак, бепоён қум барханлари остида сув ҳавзалари мавжуд!

Чиндан ҳам Қорақумда ана шундай чучук ер ости сув манбалари кўп экан. Жумладан, Амударё-Тажан-Мурғоб оралиғида, Завигуз Қорақумида каттагина сув заҳаралари борлиги маълум бўлаяпти. Бинобарин, ана шу ер ости қўллари ўзлаштирилса, минглаб қўй подалари сувга тўяди. Атрофдаги аҳоли пунктлари ичимлик сув билан таъминланади. Бу ерларда саноатни ривожлантириш учун қулайроқ имконият туғилади.

Ҳозирда Ясхан сув омборидан кенг фойдаланилаётганлиги бундан далолат беради.

30 ТИЙИНГА „МОСКВИЧ“

Хайрулла Убайдуллаев 1967 йили ДОСААФ лотереясидан «Урал-М-63» кажавали мотоцикл ютганида чексиз қувонган эди. Мана у яқинда яна бир катта ютуқ эгаси бўлди. Хайрулланинг Ўзбекистон ССРнинг 1973 йилги пул-буюм лотереясининг учинчи чиқарилиши бўйича 29 июнда ўтказилган тиражида 129 номерли 16240 сериялы билетига «Москвич-412» автомашинаси ютди. Чилонзор район Пекин кўчаси 155-уйда истиқомат қилувчи Х. Убайдуллаев Фрунзе район озиқ-овқат савдосининг аълочи хизматчисидир.

Т. ЮСУПОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Кинофильм. 19.00 — Мардлик — мангулик. 19.40 — Ахборот. 19.55 — Чех грампластинкалари декадаси. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Социализм дунёси (Москва). 21.00 — Совет Ўзбекистони композиторлари. Икром Акбаров. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Пахта терими кундалиги. 22.45 — Николай Тихоновнинг адабий портрети. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.10 — МОСКВА. 17.15 — Янгиликлар. 17.25 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Балет артистларининг концерти. 19.40 — **Цирк байрами** (телефильм). 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — **Телеминнатюралар.** 22.00 — Жанговар постда (Тошкент). 22.30 — Ўтмиш кино ленталари. **Аэдита.** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. V Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалига тақдим этилган ҳужжатли, бадиий ва музикали фильмлар намойиши. 20.00 — Тошкент янгиликлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14|IX да **Абу Райҳон Беруний**, 16|IX да **Имон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14|IXда **Ўжарлар**, 15|IXда **Хотинимнинг эри**, 16|IXда **Ажаб савдолар**, 17|IXда **Тошболта ошиқ**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Иван Анисимов** раҳбарлигидаги **УРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Геркус Мантас (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «СПУТНИК» (12.00, 15.00 18.00, 21.00).

Муслим Магомаев куйлайди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (13.30 16.30), «ЮЖНАЯ» (ўзбек тилида, 12.20, 20.30).

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Қизлар қасамёди — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда). «МОСКВА» (14.00, 16.00, 17.30).

Тилла ўқ — «КОМСОМОЛ 30 НИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Изма-из — «СПУТНИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Бошсиз чавандоз (2 серия) — «МОСКВА» (10.00 12.00, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Эрамиздан миллион йил илгари — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тасодифий адрес — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Қизлар қасамёди — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уч мушкетёр — «ХИВА».

Геркус Мантас — ТЕЛЬМАН номли.

«ЎЗБЕКЭНЕРГОРЕМОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

электростанциялар турбина ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, электростанциялар қозон ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, электростанциялар электр ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар тайёрловчи

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Тингловчиларга ойига 60 сўмдан стипендия тўланади.

Ёши 18 ва ундан катта бўлган йигитлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Носиров проезди, 14-уй, кадрлар бўлими (9, 19, 51, 60-автобуслар, 2, 16, 25-трамвайларнинг «Ўрицкий кўчаси» бекати).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14 СЕНТЯБРДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ИВАН АНИСИМОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ

Томошалар кеч соат 7 яримда (шанба кунлари кундуз соат 3 ва 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда) бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни кундуз соат 12 дан ишлайди.

Цирк яқинида 1, 4, 25, 52 ,54, 74, 19, 41, 49-автобусларнинг сўнгги бекати жойлашган.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

абонентларга электр энергиясидан фойдаланганликлари учун счётни ҳар ойнинг 10 числосигача ёзишлари лозимлигини

ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

Пулларни эса Давлат банки омонат кассаларининг кирим кассаларига топширинг.

Утган вақт учун қарзлари бўлган абонентларга ўз қарзларини тезда тўлашларини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЕДДА ТУТИНГ! Счётларнинг ўз вақтида тўланмаслиги электр энергиясининг огоҳлантиришсиз ўчириб қўйилишига олиб келади.



«УЗЭНЕРГОСБИТ»

МИТТИ ХАЖВИЯ

ИШ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ободонлаштириш бўлимига яқиндагина ишга ўтган Ҳасан ота бошлиқ ҳузурида:

— Ўғлим, бир маслаҳатлик иш билан келгандим, ҳўп десанг айтаман.

— Гапни резинка қилмай айтаверинг. Хўш, қулоғим сизда,— нима дейсиз?

— Шу десанг, конторамизни ҳовлиси ҳам каттагина жой экан. Қараб туриб, ачиниб кетасан, киши. Ҳудди одам қадами етмаган чўлга ўхшайди. Ерга қарасанг боғ бўлади, қарамасанг дов бўлади, деган халқимиз. Ахир ўзимизни кунда босиб кирадиган остонамизни шундай ташлаб қўйишимиз яхши эмас-да. Бир ёрдам берсанг мен ўзим...

— Ҳмм... тушунарли. Биласизми, ота. Бунақа майда-чуйда ишлар билан шуғулланиб ўтиришга вақтим йўқ. Бу масала билан ўринбосаримга мурожаат қилинг.

— Оббо отахоней. Шунақа денг-а. Сизни чалғитишибди-да. Майли ҳечқиси йўқ. Сиз бош агрономга учрашинг. Бу масалани ўша киши ҳал қилади.

— Ўғлим, ҳўп десанг бир оғиз сўзинг, баҳона билан жойжойидек бўлиб қоларди-да.

— Тўғри-ку, отахон, лекин ҳар кимни белгиланган ўз вазифаси бор. Бундан ташқари, мен сизга айтсам, отахон, мени бир эмас, иккита ёрдамчи агрономим бор. Гапни эгасини топиб айтишингизни маслаҳат кўрардим.

— Ҳамма гап сенда қолди, агроном ўғлим. Отанг қатори одамман. Мени кўпам қийнайверма. Ахир бир менга керак эмас-у. Шу ер обод бўлиб қолса, сенга ҳам, менга ҳам раҳмат ёғилади.

— Афсус, афсус. Иложим қанча отахон. Мени чегарамга кирганда эди, бир оғиз гапингиз. Энди хафа бўлмайсиз. Тўхтанг, тўхтанг отахон, миямга бир фикр келиб қолди. Яқинда бошлигимиз бир кекса боғбонни ишга олганмиз дегандек қилувди. Исми... исми... ҳаҳ, ҳа. Ҳасан ота экан. Шу отага учрашинг-а, жуда қўли гул, меҳнаткаш, соҳибкор дейишади.

— ...?

А. ШАЙХОВ.

Спорт

ДИЛОРОМНИНГ МЕДАЛИ

Украинанинг Тернополь шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Бу мусобақада областимиздан қатнашган икки спортчи уйига бронза медаллари билан қайтди.

Совет Иттифоқи чемпиони В. Мустафоевнинг ҳамшаҳри бекободлик Дилором Яхшибоева юксак муваффақиятга эришди. У якка байдаркада 500 метрлик масофани 2 минут 29 секундда кечиб ўтди. Бу кўрсаткич Дилоромга мамлакат чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаш имконини берди. Чирчиқлик «Меҳнат» жамияти аъзоси Евгений Гегель ҳам шундай қувончга шерик бўлди. У юқоридаги масофани 2 минут 10,6 секундда ўтди.

САЪДИЙ «ДИНАМО» ЧЕМПИОНИ

Нева соҳилидаги гимнастика мухлислари тошкентлик Эльвира Саъдийнинг маҳоратига қойил қолдилар. Ленинградда ўтказилган «Динамо» жамияти Марказий советининг юбилей спартакиадаси программасидаги мусобақалар ҳамшаҳримизнинг ажойиб ғалабаси билан тугади. Халқаро классли спорт мастери Э. Саъдий олимпиада ва универсиада чемпионига хос ҳаракат қилиб, мураккаб машқларни енгиллик, юзиклик ва эпчиллик билан бажарди. У кўп курашда 75,9 балл билан жамият чемпиони номини олди. У яна бир олтин медални қўлга киритди.

Ўзбекистон динамочилари команда ҳисобида бешинчи ўринга кўтарилдилар.

КИЕВЛИКЛАРНИНГ ОМАДИ

Москва ва Киев «Динамо» футбол командаларининг Совет Иттифоқи кубоги учун иккинчи ярим финал учрашуви ниҳоятда кескин кураш билан ўтди. Ўйин бошларида киевлик Блохин ҳисобни очди. 39-минутда Козлов жавоб тўпи киритиб, ҳисобни 1:1 қилди. Танаффусдан кейин рақиблар ҳар қанча уринишмасин ҳисоб ўзгармади. Биринчи ўйинда ҳам кучлар тенг келган эди. Шунинг учун ғолибни аниқлаш мақсадида 30 минутлик фурсат берилди. Бунда ҳам ора очиқ бўлмади. Командалар 11 метрлик зарбалар билан омадларини синадилар. 14-пенальти киевликларга қийин «жанг»да ғалаба келтирди. Улар 6:5 ҳисобида ютиб чиқдилар.

* * *

«Пахтакор» футболчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўйинда Тбилиси динамочиларидан 0:4 ҳисобида енгилдилар. Тўпларни Гуцаев (2 та), Асатиани ва Гавашели киритдилар. Бу учрашувда «Пахтакор» ҳимоячилари ва дарвозабон С. Покотилов кўпол хатоларга йўл қўйишди.

Энди тошкентликлар 16 сентябрь куни Ростовда энг масъулиятли ўйинни ўтказадилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 36495. Редактор ўринбосарлари — 35885, 37916. Масъул секретарь — 34808 пропаганда ва адабиёт, санъат бўлимлари — 31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — 35811. Қишлоқ хўжалиги ва фан мактаб, олий ўқув юртлари бўлимлари — 39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 38142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Р—03678

Узбекистон Компартияси Мар казий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634.